

# Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оула ўлуу

Кишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz)

2012-YIL 28-IYUN, PAYSHANBA, 76 (8001) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

### МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакиллари, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга зугу тилакларимизни изҳор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айна вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожини ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодийтимиз самарадорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сиёсатни олиб бориш бўйича тўғри йўлни танлашда матбуот соҳасининг кўшаётган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапирish мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлиши ҳалқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мустақил фикрлаш, онли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнеснинг ривожланишига ҳалақит бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садқотини мустаҳкамлашда – ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айна шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мануният бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

(Давоми 2-саҳифада)



### МАМЛАКАТИМИЗДА 27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан миллий оммавий ахборот воситалари ривожига қаратилаётган улкан эътибор соҳа ходимларини янада фаоллик ва изланувчанликни, огоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган айна пайтда бу жиҳатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур санга бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирга соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар, устоз журналистлар, барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг ижодий ва техник ходимлари, ношир ва матбаачилар, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш қаламкашлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари тақдиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов бугунги кунда мамлакатимизда амал-

га оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳамюртларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб бораётганини таъкидлади.

Демократик талабларга тўла мос келадиган мустақкам оммавий ахборот воситалари базаси – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин кунун ҳужжатлари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини эркин ривожлантиришни, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминламоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони қарийб тўрт баробар ошди. 1991 йилда оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 та бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1250 тани ташкил этади. Мустақилликка қадр республикадаги мавжуд барча медиа тузилмалар – газета, журнал ва телерадиоканалларнинг муассислари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эди. Эндилқда юртимизда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг 60 фоиздан кўпроғи нодавлат тузилмалардир.

Соҳага кўрсатилаётган ғамхўрлик самарасида телерадиоканаллар

фаолиятига замонавий рақамли ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Айна пайтда юртимизда интернет журналистикасининг жадал равнақ топаётгани фуқароларнинг тезкор ахборотларга бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлашда, мамлакатимиз ҳаётига оид янгилик ва воқеалардан жаҳон жамоатчилигини ўз вақтида хабардор этишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий журналистикани замонавий асосда равнақ топтириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиллигини таъминлаш ишлари, телерадиоэшиттиришларга оид миллий қонунчилигимиз давр талабларига уйғун тарзда тақомиллаштирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, энг тезкор ва табиричан ахборот воситаси бўлиши Интернет журналистикаси, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишининг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Буни мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлиши тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун авваламбор уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва ғоялар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан,

ўйлайманки, сизлар яхши ҳабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида" ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакилларининг фаол иштирокида тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарори оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдида ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Албатта, ҳар қандай янгиликни, ўзгартириш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзиндан пайдо бўлмайдиган. Ҳаётимизни, иқтисодиётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кунда-

лик оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунамыз.

Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдида турган энг муҳим вазифаларни баҳолаб эканмиз:

**Биринчидан**, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга махлиё бўлмасдан, мақтанмасдан, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмасдан, авваламбор, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва ҳолис ахс эттириш талаб қилинади;

**Иккинчидан**, ҳаммамизга аёнки, ўз олдида мақсад қилиб қўйган марраларга эришиш учун журналист ўзини аямасдан, профессионал билан мисолини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаш, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

**Учинчидан**, бундай юксак даражага кўтарилш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

**Тўртинчидан**, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, авваламбор, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бозқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётини принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир тақлифни сизлар билан ўртоқлашишни жоиз, деб биланман. Матбуот сўзининг таъричанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш

учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни муддао бўлар эди.

Бунда айниқса таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйлайманки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта роль ўйнайдиган. Шу билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш кераки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалала панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совутиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай беларволик натижада эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодиётимиз ва ҳаётимизга кат-

та зарар етказиши муқаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига ҳолисона кўз билан қараб, мавжуд ахлоқни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибори, айни пайтда масъулияти ҳам ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бугун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодиримиз, десам, ўйлайманки, сиз, азизларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳаммизга қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимиз, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфиҳр ва маслакдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман.

Бугунги ҳурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, барчангизга сиз ҳаёт-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори барча медиа тузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Соҳа равнақи йўлида улкан имконият ва қўлайликларнинг яратилиши, ушбу машаққатли ва шарафли касб эгалари меҳнатининг доимий эъзозланиб, рағбатлантирилиши ижодкорлардан фаоллик ва қатъият, ўз фаолиятига ҳаққоний, чуқур таҳлилий асосда ёндашишни, жамият, халқ, Ватан манфаатларининг том маънодаги ҳимоячиси бўлишни талаб этмоқда. Айни пайтда мустақиллигимизни, юртимиздаги барқарор ва осуда ҳаётни, турли миллат ва эллар ўртасидаги аҳиллик, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини кўз қорчигидек асраб-авайлаш, жамият пойдевори бўлиши оилаларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ёшларни миллий ҳаёт тарзимиз, маънавиятимизга ёт за-



рарли ғоялар, ноҳолис ахборотлар хуружи, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш вазифалари журналистлар олдида доимо маънавий уйғоқ бўлиш, жамият олдидаги масъулиятни янада теран англашдек улуғвор талабларни қўймоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили соҳа хо-

димларининг касб байрами арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови соҳада фидокорона меҳнат қилаётган, фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислохотлар-

ни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойий ҳамкасбларимизни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолиб ва совриндорлари эълон қилиниб, уларга диплом ва қўмнатбаҳо совгалар топширилди. Сўзга чиққанлар журналистлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари рўлантириш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамўрлик учун Президентимизга миннатдорлик изҳор эгдилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга катта ҳисса қўшаётган журналистлар тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

**Назokat УСМОҒОВА,**  
ЎЗА муҳбири,  
Аёла АБДУЛЛАЕВ  
(ЎЗА) олган суратлар.

▼ Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги

# ҚОРА ҚИЛМИШЛИ «ОҚ АЖАЛ» КУЙДИРИЛДИ

26 ИЮНЬ КУНИ ДОМНА ПЕЧЛАРИДА 1 ТОННА 650 КИЛОГРАММ НАРКОТИК МОДДАЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, 449 КИЛОГРАММ ГЕРОИН, 597 КИЛОГРАММ ОПИЙ, 302 КИЛОГРАММ НАША, 240 КИЛОГРАММ МАРИХУАНА, 9 КИЛОГРАММ КЎКНОРИ, 758 ТУП НАША ЎСИМЛИГИ, ШУНИНГДЕК, ТАБЛЕТКА ВА ЭРИТМАЛАР ШАКЛИДАГИ КЎПЛАБ ПСИХОТРОП ПРЕПАРАТЛАР ЁҚИБ ЮБОРИЛДИ

**БМТнинг Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашга доир конвенциясига аъзо давлатлар қабул қилган резолюцияга мувофиқ 26 июнь Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни сифатида нишонланади.**

Мамлакатимиз ҳукумати топиширига биноан ана шу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан БМТ, давлат, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида мусодара қилинган гиёҳванд моддаларнинг катта миқдордаги қисми пойтахтнинг Сергели туманида жойлашган заводлардан бирининг домна печларида ёқиб юборилди.

— Республикада амал қилаётган тартибга мувофиқ судда ашёвий далил сифатида ўтган гиёҳвандлик воситалари ҳукми қонуний қўлга киритиб, махсус печларда йўқ қилинади, — дейди МХХ матбуот маркази раҳбари О.Тўрақулов. — Илк бор 1994 йил майда 14-тонна гиёҳвандлик воситаси ёқиб йўли билан йўқ қилинган эди. Ўтган даврда 48 тонна 221 кг гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинди. Хусусан, 2011 йилда Миллий хавфсизлик хизмати томонидан 608 та наркожиноят аниқланиб, жами 1622,06 кг. наркотик моддалари, жумладан, 454,69 кг. героин, 813,63 кг. корадори, 109,78 кг. марихуана, 234,83 кг. гиёҳвандлик ҳамда 9,14 кг. кўкнори мусодара қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг маълумотларига қараганда, 2011 йилда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 8171 тани ташкил қилди (2010 йилда — 8854 та). Ушбу жиноятлар гиёҳванд моддалар контрабандаси, уларни сотиш, таркибда наркотик бўлган ўсимликларни етиштириш, бангхоналар очиб ва бошқалар билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда нарковазиятга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил гиёҳвандлик воситалари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланадиган Афғонистон билан чегарадошлиқдир. Халқаро экспортлар маълумотига қўра, 2011 йилда Афғонистонда йўқ қилинган кўкнори экин майдонлари 3810 гектарни ташкил этди. Бу мамлакатдаги жами кўкнори экин майдонларининг атиги 3 фоизидир.

Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддаларнинг 25 фоизи Шимолий



Айло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

йўналиши, яъни Ўзбекистон, Тожикистон Қирғизистон орқали Россия ва Европа давлатларига етказилади.

Наркотик моддалар мамлакатимиз ҳудудига асосан Тожикистон, Қирғизистон ва бевосита Афғонистон орқали Амударёдан Сурхондарё вилоятига, жануби-шарқда Самарқанд ва Хирдарё вилоятларига, шимоли-шарқда Фарғона водийси ва Тошкент вилоятига кириб келади.

2011 йилда Тожикистон, Афғонистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Эрон, Озарбойжон, Туркия, Франция ва бошқа давлатлардан жами 107 нафар чет эллик фуқаро гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун ҳибсга олиниб, улардан 182,45 килограмм наркотиклар, таблеткалар шаклидаги психотроп моддалар ва прекурсорлар олиб кўйилди.

Тадбирда иштирок этган БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий вакили вазифасини бажарувчи Асиф Мажид БМТ, ЕХТ, ЕИ, ШХТ халқаро лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва таъминлашга доир ишлар олиб борилаётганини қайд этди. У Ўзбекистонда наркотиклар тарқалишига қарши курашга жалб қилинган барча тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бу борада имзоланган шартномалар доирасидаги келишувларга мувофиқ, БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Минтақавий ваколатхонаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мувофиқлаштирувчи тузилмалари билан наркотикларга оид вазият ўзгаришидаги ахборот материалларни алмашиш таъминланмоқда.

Шу кунларда эса мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги давом

этяпти. Бу борада белгиланган режага мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида профилактика ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва унинг ҳудудий комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, маданият, тиббиёт, спорт муассасалари, хайрия жамғармалари, БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Минтақавий ваколатхонаси ҳамда оммавий ахборот воситалари жалб қилинган. Ойлик наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида ўтказилмоқда.

Дунё бўйлаб миллионлаб гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар маъжуд. Йилга минглаб одам шу офат туфайли ҳаётдан бевақф қўз юмади. Маълумки, гиёҳванд моддалар савдосидан келиб тушадиган даромад асосан терроризм, радикал гуруҳларни, жангариларни қуроллантириш, шунингдек, глобал муаммага айланган бошқа иллатлар, жумладан, қурол-яроғ, одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчи гуруҳларни таъминлаш учун сарфланмоқда. Наркоманиянинг кенг авж олиши оила — жамият — давлат тизими, барқарорлигига катта зарар етказиши. Тарихда қайд этилган “афюн урушлари” мисолида ҳам бунга амин бўлишимиз мумкин. Шундай экан “оқ ажал” номи билан бу балога миллий хавфсизлигимизга таҳдид солувчи асосий омиллардан бири сифатида қараш, унга қарши курашишда кенг жамоатчилик, минтақа мамлакатлари, халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш лозим.

Азиз НУРУЛЛАЕВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## ТАДБИРКОРЛАР МАЙФААТИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Яратилган қулай муҳитдан унумли фойдаланиб, тадбиркорлар юрт раънақига, аҳоли фаровонлиги ошишига муносиб улуш қўшмоқда

Бугунги кунда иқтисодиёtimизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ниҳоятда катта аҳамияти бор. Яъни ички бозоримизни рақобатбардош ва оифатли махсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини, жумладан, ёшларни иш билан таъминлашда, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айна шу соҳанинг ўрни катта. Ҳозирги кунда республикаимизда эришилаётган ютуқларнинг асосий омилларидан бири ҳам тадбиркорликка кенг йўл очилганидандир. Чунки яратувчиликка, халққа хизмат қилишга бел боғлаган қўлаб юртдошларимиз ўзининг орау истакларига тадбиркорлик орқали эришмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси соҳага қаратилган эътибор, яратилаётган шароит, қўлайлик ва энгилликларда. Соҳанинг янада тараққий этишида яратилган қулай муҳит муҳим омил бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига назорат қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини чеклаш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, текширишларни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2011 йилнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номлангани, қабул қилинган давлат Дастури асосида амалга оширилган ишларни олиб қарайлик. Хусусан, биргина ўтган йили тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органларининг аралашувини чеклаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни шакллантиришга хизмат қиладиган 20 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритишлари учун барча назорат ташкилотларида “Ишонч телефонлари” ташкил этилиб, уларнинг мурожаатлари ўрганилмоқда, қаноатлантирилмоқда, ҳуқуқлари тикланмоқда.

Олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бугунги тадбиркор ўз ҳуқуқ ва масъулиятини яхши англайди. Мамлакатимизда яратилган қулай муҳитдан унумли фойдаланиб, фаолиятини янада ривожлантирмоқда. Бу билан юрт раънақи, аҳоли фаровонлиги ошишига муносиб улуш қўшмоқда.

Алишер МУХТОРОВ,  
Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани прокуратураси ходими.

## ГИЁҲВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ

Пойтахтимиздаги Мирзо Улугбек номидаги Маданият ва истироҳат боғида 26 июнь — Халқаро гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилиш ва унинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни муносабати билан “Гиёҳвандлик — умр заволи” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидландики, гиёҳвандлик — иллат. Унга ружу қўйишнинг оқибатлари муҳдих. Буни англаб-англамай кўпчилик унинг домига

тушиб қолаётир. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда 10 миллиондан ошиб киши героин, 13 миллиондан зиёд киши кокаин, 150 миллиондан ортқ киши каннабис, 23 миллионга яқин киши эса сунъий наркотик моддалар истеъмол қилади. Таассуфки, бундан хулоса чиқарилмаётир. Холбуки, гиёҳвандликка қарши курашиш ҳар бир шахсининг инсонийлик бурчидир. Гиёҳвандлик ўзининг ёвуз чанга-

лига янги-янги қурбонларни тортиб, бунинг натижасида неча-неча оилаларнинг бузилиши, мажруҳ, ногирон фарзандлар туғилишига, ёшларнинг умри ҳазон бўлишига сабаб бўлаётгани ҳеч биримизга сир эмас.

Тадбир давомида янграган эстрада хонандлари ва ҳаваскор ижрочиларнинг куй-қўшиқлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Дилафрўз МУХИДИНОВА

## СОҒЛОМ БОЛА ҲАФТАЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ ВА ЮНИСЕФ  
ҲАМКОРЛИГИДА 25-30  
ИЮНЬ КУНЛАРИ «СОҒЛОМ  
БОЛА ҲАФТАЛИГИ»  
ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ҳафталик доирасида ЮНИСЕФ томонидан 2,6 миллион нафардан зиёд 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар учун етказиб берилган "А" витамини саплементацияси олиб борилади. Мутахассисларнинг вилоятларга ташрифи ташиқлаштирилиб, туғуруқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш бўйича тадбирлар комплекси амалга оширилади.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан она ва бола саломатлигини ошириш Давлат дастури доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Қонунини ижро этиш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб борилади.

"А" витамини инсон иммун тизимининг энг муҳим микроэлементларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 140 миллион мактаб ёшига етмаган болалар ва 7 миллион ҳомиладор аёллар "А" витамини танқислигидан азият чекмоқда, 4,4 миллион бола ва 6,2 миллион аёл ксерофтальмия билан хасталанган, 1,2-3 миллион бола эса АВТ оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда.

Ўзбекистонда 2002 йилдан бошлаб ЮНИСЕФ ҳамкорлигида "А" витамини етишмаслиги профилактикаси дастури амалга ошириб келинмоқда. Ушбу дастурда "А" витамини саплементацияси бўйича тадбирлар аҳолининг овқатланиш одатларини ўзгартиришга қаратилган ахборот-тушунтириш ишлари билан уйғунликда олиб борилади. Бугунги кунга қадар "А" витамини саплементацияси 17 маротаба ўтказилган.

Амалга оширилаётган барча тадбирлар паст бўйлилик, туғма аномалиялар, микронутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлган хасталик ҳолатларининг камайишига олиб келади.

"Соғлом бола ҳафталиги" доирасида Қорақалпоғистонда ҳам 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича уйғунлаштирилган тадбирлар ўтказилмоқда. Унда болаларни умумий тиббий кўрикдан ўтказиш, антропометрия, оналарни оптимал озиқлантириш, санитария ва гигиена бўйича маслаҳатлар, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар учун "А" витамини саплементацияси ҳамда 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар учун антигельминт препаратлар бериш ишлари амалга оширилади.

Мазкур давр мобайнида шифокор-педиатрлар ва патронаж ҳамширалар туғилгандан то 6 ойга тўлгунга қадар бўлган болаларни фақат она сuti билан озиқлантиришнинг аҳамияти, 6 ойга тўлган болаларни ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг халқаро тавсиялари асосида тўғри кўшимча озиқлантириш каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиладиган ҳамда боланинг соғлом ўсиши ва улғайиши учун зарур бўлган "А" витамини саплементацияси ва гельминтозлар профилактикасига доир саволларга жавоб берадилар.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Наманган Вилояти

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*"Учқўрғон-ёғ" очик  
акциядорлик жамияти-  
да "Озиқ-овқат саноати  
корхоналари" уюш-  
маси тизимидаги кор-  
хоналарда ишлаб чиқар-  
ишга янги техника ва  
технологияларни жорий  
этиш, иш жараёнида  
технологик кўрсаткич-  
ларга риоя қилишга  
бағишланган республика  
илмий-амалий семинари  
бўлиб ўтди.*

Унда тизимдаги корхоналарнинг бош муҳандислари, бош механик ҳамда техника хавфсизлиги ходимлари, соҳа раҳбарлари, илмий ходим ва мутахассислари иштирок этдилар.

Семинар қатнашчилари даставвал "Учқўрғон-ёғ" корхонаси ишлаб чиқариш цехлари жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Сўнгра Хитой технологияси асосида техник чигитни туксизлантириб, йилига 12000 тонна линт ажратиш қувватига эга бўлган "Линтер" цехининг очирилиши гувоҳ бўлдилар.

— Президентимизнинг 2007 йил 12 июндаги "2007–2011 йилларда Ёғ-мой саноати корхоналарини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан корхонамизда бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди корхона бош муҳандиси Хусниддин Нуриддинов. — Технологик жиҳозларни модернизациялаш натижасида жорий йилга келиб корхонамизда 12 турдаги саноат махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2008 йилнинг октябр ойида олиб келинган энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган, бир кеча-кундузда 65 тонна техник саломас ишлаб чиқариш қувватига эга янги "Водород, кислород



ва гидрогенизация" цехининг ишга туширилиши натижасида 54 нафар ёш ўғил-қиз доимий иш билан таъминланди.

2010 йили замон талабига жавоб берадиган, бир йилда 4800 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Учқўрғон SOOP экстракт" МЧЖ ишга туширилиб, бу ерда 50 кишилик иш ўрни яратилди. Ўтган йилда 5 тонна глицерин хомашёси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги цех ишга туширилди. Бу билан 24 нафар ёш мутахассис доимий иш билан таъминланди. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига 2011 йили 198 тонна глицерин ва 2500 тонна техник саломас ёғ кислотаси ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг ўтган давр мобайнида 225 тонна глицерин ва 3028 тонна техник саломас ёғ кислотаси ишлаб чиқарилди. Хитойдан бир кеча-кундузда 150 тонна техник чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлган пресс агрегатлари олиб келиб, ишга туширилиши режалаштирилган. Ҳозирда янги пресслаш бўлимининг

қурилиш ишлари якунланди. Бу борадаги савий-ҳаракатлар шу йилнинг сентябрь ойида ўз ниятига етди. Янги "Линтер" цехининг ишга туширилиши натижасида 36 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлдилар.

Илмий-амалий семинарда "Озиқ-овқат саноати корхоналари" уюшмасининг тизимидаги корхоналарда 2012 йилги капитал таъмирлаш ишларига пухта тайёргарлик кўриш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий қилиш борасида батафсил сўз юритилди. Бу жараёндаги ишларда "Учқўрғон-ёғ" ОАЖ ибрат сифатида кўрсатилди. Шунингдек, корхоналар ўртасида алоқаларни кенгайтириш, ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Модернизациялашда зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар тизимдаги корхоналар — Навоий машинасозлик заводи ҳамда "Темирчи" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.  
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Сургарё Вилояти

## МУСТАҲКАМ ОИЛА ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Боёвут шаҳарчасида яшовчи Х. исмли йигит билан Д. исмли қиз бир-бирига кўнгли қўйиб, турмуш қурмоқчи бўлишди. Икки ёшнинг аҳду паймони Х.нинг онасига унчалик ёқмади. Чунки у ўғлига яқин қариндошларидан бирининг қизини олиб бермоқчи эди. Йигит эса онасига қаршилик кўрсатиб, "Уйлансам фақат ўзим севган қизга уйланаман", деб туриб олди ва уйланди ҳам.**

Бироқ йигитнинг онаси келинни яхши қабул қилмади. Хар бир ҳаракатидан, қилган ишидан камчилик топавериб, унинг кўзини очирмади. Келин уч-тўрт ой мобайнида қайнонасининг камситишларига чидаб келди. Охир-оқибат қайнона очкичасига зуғумга ўтиб, "Эсинг борида ота-онангникига кет. Барибир ўғлимини ўзим хоҳлаган қизга уйлантираман", деди. Бу ҳол қайта-қайта тақдорланавергач, келин ота-онасиникига кетишга

мажбур бўлди.

Буни кутиб турган қайнона эса ўғлини уйлантириш тараддуғига тушиб қолди. Бўлажак келиннинг отасиникида ими-жимиди шаърий никоҳ ўқитиб, ўз мақсадини рўёбга чиқармоқчи бўлди. Шундан сўнг мушкул вазиятда қолган ёшлар ажрашиш ниятлари йўқ эканлигини айтиб, ёрдам сўраб бизга мурожаат этдилар. Худуддаги яраштириш комиссияси аъзолари билан биргаликда йигитнинг



онаси ҳамда у келин қилмоқчи бўлаётган қизнинг ота-онаси билан гаплашдик. Уларга бу қилаётган хатти-ҳаракатларининг оқибатлари ҳақида тушунтирдик. Натижада бир ёш оила бузилиб кетишининг олди олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан ФХДБ бўлимлари қошида "Ёш

оила қурувчилар мактаби"нинг фаолият кўрсатиб келаяётганлиги, мактаб машгулотларига имом-хатиблар, узоқ йил бахтли турмуш қурган, пиру бадавлат отахон ва онахонларнинг таклиф этилаётганлиги, улар иштирокидаги суҳбатларда оила муқаддаслиги, тинч-тотув яшашнинг аҳамияти хусусида ёшларга тушунчалар берилаётганлиги, оилаларни мустаҳкамлаш, хар хил ажрим, оилавий муросасизликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Бу каби савий-ҳаракатлар замирида оилалар мустаҳкамлигини қафолатлаш, турмуш фаровонлиги, жамият барқарорлигини таъминлашдек эзгу мақсадларни муважжам атганлиги билан аҳамиятлидир.

Лола МУРАТОВА,  
Боёвут тумани ФХДБ бўлими мудираси.



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҚАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимининг 2012 йил 30 майдаги 657-сонли қарорига асосан ва 2012 йил 26 июндаги 1/304-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг узок муддатли ижарага олиш ҳуқуқи очик танловга қўйилмоқда:

1. "Автобус-такси саройи" қуриш учун Паркент тумани Паркент ҚФЙ, Бойқозон қўрғони ҳудудида жойлашган 1 дона, 1,0 га. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 130 314 сўм.

Мажбуриятлари бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб икки йил муддатда амалга оширилиши лозим.

Мажбуриятларини бошлангич ҳажми Паркент тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти 13.00 дан 14.00 гача) ва 2012 йил 27 июль кuni соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридидаги зақалатни зақалат қилишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Паркент тумани ҳокимлиги биносига 2012 йил 30 июль кuni соат 11.00 да очилади, 2012 йил 30 июль кuni соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқоридидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 30 июлдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг тақрорий танлов савдоси 2012 йил 15 август кuni соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилади.

Тақрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2012 йил 14 август кuni соат 18.00 да тўхтатилади.

Тақрорий танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Паркент тумани ҳокимлиги биносига 2012 йил 15 август кuni соат 11.00 да очилади, 2012 йил 15 август кuni соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов голиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ. Танлов ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамши, 1-А" уй. Тел: 228-79-52. Лицензия № RR 0001. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Танловда қатнашни истагиди бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун

ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига зақалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатида нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва зақалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: "KMSX" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Тошкент вилояти, Паркент тумани ҳокимияти биносига.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

